

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 15 май, чоршанба

№38 (11,426)

Эркин нарҳда сотилади

## АҚШ Конгресси вакиллари Ўзбекистон элчихонасида

Ўзбекистон Республикасининг Вашингтондаги элчихонаси АҚШ Конгресси профессионал ходимлари Ассоциацияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон тақдирини ўтказди.

Ўзбекистон 11 сентябрь воқеаларидан кейинги дастлабки кунлардан халқаро терроризмга қарши курашда АҚШни қатъий ва изчил қўллаб-қувватлагани ҳамда Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга расмий ташрифи Америка Қўшма Штатларининг сиёсий, ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги ўртасида мамлакатимизга нисбатан катта қизиқиш уйғотди.

Жумладан, Президент Ислам Каримовнинг мамлакат қонунчилиги органи — АҚШ Конгрессида бўлиши, хусусан, куйи палата спикери Денис Хастерт, Американинг етакчи сенаторлари билан учрашувлари Конгресс аъзоларида унутилмас таассуротлар қолдирди. Америка заминидagi учрашувлар, ушиб бораётган икки томонлама муносабатлар мамлакат кенг жамоатчилиги, жумладан, конгрессменлар ўртасида ҳам Ўзбекистон, унинг сиёсати, тарихи ва маданиятига нисбатан қизиқишнинг янада кучайишига туртки бўлди.

Американинг кўпгина етакчи сенатор ва конгрессменлари аппарати, Конгрессдаги муҳим қўмиталарнинг етакчи масъул ходимлари, шунингдек, АҚШнинг кўпгина марказий давлат муассасалари вакиллари иштирок этган ушбу тақдиримизда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Ш. Ҳамроқуллов тадбир қатнашчиларига Ўзбекистон раҳбарининг Америкага расмий ташрифи якуни, Ўзбекистон ва АҚШнинг халқаро терроризмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлиги, икки томонлама муносабатлар, мамлакатда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар хусусида атрафлича сузлаб берди.

Тақдирот иштирокчилари минтақавий ҳамкорлик, республикада демократик ўзгаришларнинг бориши тўғрисидаги барча саволларга муфассал жавоб олдилар.

Элчихонада ўтказилган мазкур учрашув бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш ҳамда муҳим масалалар юзасидан қимматли ва фойдали фикр алмушувлар эшигини яна ҳам кенг очди, — деди АҚШ Конгресси профессионал ходимлари Ассоциацияси вице-президенти Жозеф Сталл. — Ҳамкорлигимиз давом эттишидан биз манфаатдоримиз.

«Жаҳон» АА.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида галла ўрими-йиғими таъбирларлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди.

## Мавсумга пухта ҳозирлик зарур

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ҳокимлари ҳамда мутасадди вазирлик, кўмита, корпорация, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, ҳудудий қишлоқ ҳўжалиги таъбирларлик корхоналари, ҳўжалик раислари ва фермерлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган ушбу кенгашда мамлакатимизда жорий йилда етиштирилган бошқоқли дона экинларини ўриб-йиғиб олишга таъбирларлик ишлари ўтган йилга нисбатан анча фаол адо этилгани таъкирланди. Эндики асосий вази-фа деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган донни ўз вақ-

тида, нест-нобуд қилмасдан саранжомлаб олиш, галла мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уруғлик жамғариш бўйича шартномавий мажбуриятларни бажаришдан иборатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг галла ўрими-йиғимини мувафқиятли ташкил этиш мақсадида жорий йил 23 апрелда қабул қилган махсус қарорига мувофиқ, мавсумни кўнглидагидек ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тезда ҳал этиш юзасидан таъбирларлик зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Кенгашда бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиев, «Ўзгормашсервис» уюшмаси раиси Ш.Нишонов, «Ўздонмахсулот» корпорацияси раиси И.Нажмиддинов, ички ишлар вази-



ри ўринбосари Б.Парпиев ахборот берди.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, туманларда етиштирилган ҳосилни тез ва соз ўриб-йиғиб олиш борасидаги

ишларни пухта ташкил этиш, ўрими комбайнларидан юқори унум билан фойдаланишни таъминлаш ишларини қоникарли, деб бўлмайд.

Жойлардан олиналган маълумотлар бу борадаги ўтган йилги айрим хато ва камчиликлар такрорланмаётганидан далолат бермоқда. Масалан, «Ўздонмахсулот» корпорацияси тизимидаги корхоналарнинг дон қабул қилиш пунктлари, элеваторлар, тошу тарозилар, кўришти майдончалари тўлиқ таъмирланган. Урими агрегатлари ўтган йилга нисбатан барвақт мавсумга шай ҳолатга келтирилган. Бирок «Ўзгормашсервис» уюшмасининг ҳисоботларида жойлардаги машина-трактор паркларидан техник соз, деб кўрсатилган комбайнлар давлат техник назорати органлари томонидан текширилганида, уларнинг 22 фоизидан носозликлар борли-

## Галла — 2002

ги аниқланди. Кенгашда бу борадаги барча хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, Вазирлар Маҳкамасининг номи зикр этилган қарори оғишмай бажарилишини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, кенгашда гўза парварлишини агротехника қоидалари асосида сифатли ташкил этиш, жойларда зараркунанда ҳашарот ва турли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, пиллачиликда сифатли махсулот таъбирларлик масалалари ҳам атрафлича муҳокама этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларининг бу борадаги ҳисоботлари тинланди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Н. Юсупов, В. Отаев, М. Усмонов иштирок этди.

ЎЗА.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР!

Вилоятимиз спорти вакиллари мамлакат миқёсидаги мусобақаларда яхши натижаларга эришётгани ҳақидаги хушхабарлар бари-мизни қувонтиради, албатта.

Хоразм вилоятида ниҳоясига етган миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида бел олишган 200 нафардан зиёд кучли полвонлар орасида бизнинг вақилимиз — Давлат Чориев 2002 йил Ўзбекистон чемпио-

ни унвонига сазовор бўлган бўлса, Гулистондаги «Алпомиш» спорт мажмуида тазквондо бўйича республика биринчилигида умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти спортчилари голиб бўлишди. Балли, азаматлар!

### ДАСТАЛАБКИ ПИЛЛА КАРВОНИ

БЕКБОБД тумани ҳўжалирида давлат қабул пунктларига пилла топшириш бошланди.

Жумладан, Мавлонов номли ширкат ҳўжалиги пиллакорлари кумуш тола топшириш режасини туманда биринчи бўлиб бажардилар. Қабул пунктига 12 тонна топшириш режасифатли хом ашё етқа-

Хўжаликда пилла терими давом этмоқда. Мавжуд имкониятлар ҳисобга олиниб, давлатга яна камидан 3 тонна ҳосил топшириш режасифатли хом ашё етқо-

Ўз мухбиримиз.

### ЗИЛОЛА ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Қибрай тумани марказий шифохонасида «Ҳамшира-2002» кўрик-танлови ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган етти нафар ҳамширалар ўз билим ва маҳоратлари, амалда нималарга қодир эканликларини тўлиқ намойиш эти олишди.

Тошкент Давлат иссиқлик қуввати электр

станцияси поликлиникасининг ҳамшираси Зилола Мирзахўжаева мазкур беллашув голибаси бўлди. Энди у «Ҳамшираликларини тўлиқ намойиш эти олишди. Тошкент Давлат иссиқлик қуввати электр

Ўз мухбиримиз.

### АКТЁР БИЛАН МУЛОҚОТ

Янгийўл шаҳридаги академик лицей талабалари таниқли киноактёр Мурод Ражабов билан учрашдилар.

Ҳафтада қизиқарли ўтган бу тадбирда санъаткор ўзининг ижодий фаолияти ҳақида сузлаб, талабаларни қизиқтирган саволларга

батафсил жавоб берди. Учрашувдан кейин «Ўзбекфильм» махсулотли бўлиши «Пари момо» бадиий фильми намойиш этилди.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### «Универсиада — 2002»

## БУХОРО СПОРТЧИ ТАЛАБАЛАРНИ КУТМОҚДА

Маълумки, республика олий ўқув юртлири талабаларининг навбатдаги «Универсиада-2002» спорт мусобақалари финал босқичи май ойининг охирида Бухорода бўлиб ўтади.

Наманганда ўтказилган аввалги универсиада мусобақалари талаба ёшларимизнинг чинакам спорт байрамига айланиб кетганлиги минглаб муҳлисларнинг ёдидан кўтарилгани йўқ хали. Энг муҳими оёса, ўша қизқин мусобақалардан сўнг барча олий ўқув юртлирида спортга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, том маънода оммавий тус олди. Масалан, илгари талаба ёшларининг 7-8 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланган бўлса, Наманган универсиадасидан сўнг 20 фоиз йигит-қиз спорт билан чинакам ошно бўлди. Ҳамма олий ўқув юртлирида спорт майдонлари, заллар барпо этилди, мавжудларни тубдан таъмирланди. Машгулотларнинг мунтазам ва тўлақонли ўтишини таъминлаш мақсадида қарийб юз миллион сўмлик спорт жиҳозлари сотиб олинди.

Айни кунларда Бухорода бўладиган «Универсиада-2002» ёшлик ва спорт байрамининг ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтишини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган таъбирларлик ишлари ниҳоясига етиб қолди. Мусобақалар 13та йирик ўйингоҳ ва спорт мажмуаларида бўлиб ўтади. Уларнинг айримлари янгидан қурилган бўлса, қолганлари махсус таъмирланди. Бу ерда 12та спорт тури бўйича мусобақаларнинг қизқин ва муросасиз курашлар остида ўтиши кутилмоқда.

Вилоятимиз терма жамоаси сафига киритилган 147 нафар спортчи талабалар Тошкент Давлат Аграр университетининг спорт мажмуида бўлажак мусобақаларга қизқин таъбирларлик кўрмоқдалар. Бу ерда машгулотларнинг юксак талаблар даражасида олиб борили-



ши, спортчиларнинг вақтида ҳордиқ чақаришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Республика Олий ва ўрта таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган «Универсиада-2002» мусобақалари дастуринда турли маданий тадбирлар ҳам кенг ўрин олган. Спортчи талабалар Бухоронинг дунёга машхур меъморий ёдгорликлари ва бошқа диққатга сазовор жойларига саёҳат қилдилар, таникли ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, олимпияда ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари голиблари билан учрашдилар. Шунингдек, универсиада қатнашчилари учун театрлаштирилган томошалар намойиш этилади.

Абдусамат Йўлдошев.

### Деҳлида ўзбек рақслари танлови

Деҳлида Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Ҳиндистон миллий катхак рақси институти ўзаро ҳамкорликда ўзбек рақслари танловини ўтказди.

Мазкур институт директори Субхаш Бансал танловнинг якуновчи босқичи ниҳоясида ушбу маданий тадбирга юқори баҳо берди.

Мен ўзбек рақслари ҳинд қизларидан шу даражада катта қизиқиш уйғотиши ва дўст ўзбек халқи ижод этган бетакрор дилрабо рақслар Ҳиндистон раққосалари ижросида ҳам бу қадар жозиба касб этишини кутмаган эдим, — деди С.Бансал.

Кавита Госвами, Анжум Бхарти, Анамика Шарма, Трипти Санвал, Радика Шарма ва Минакши Ария сингари ҳинд қизлари ижросидаги «Фарғонача рақс», «Ноз-ноз», «Кўшигим бор», «Лази», «Ўзбек қизлари», «Нозли ёрми» сингари чиқишлар Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси Д.Мехтанинг рафиқаси Нандини Мехта раислигидаги танлов ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

«Жаҳон» АА.

### «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «Алдагани бола яхшимми?»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2002 йил 24 апрель сонида босилган «Алдагани бола яхшимми?» сарлавҳали мақолани ўқиб чиқиб, унда баён этилган Тошкент тумани Раҳбаробод маҳалла қўмитасининг оқсоқоли эътирозлари бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги Фармонида асосан коммунал тўловларни тўлашда маҳалла қўмиталарининг ролини ошириш чоралари кўрилди. Шунга биноан «Келесгазтаъминот» шохобчаси маҳалла қўмиталари билан шартнома тузди. 2001 йилнинг февраль, март, апрель, май ойлари мобайнида пул тушуми режасини бажаргани учун Раҳбаробод маҳалласи ҳисоб рақамига 20 фоизли рағбатлантириш пули ўз вақтида

ўтказиб берилган. Ҳақиқатдан ҳам, Юнусобод қишлоқ фуқаролар йиғини худудидидаги мазкур маҳалла газ бўйича коммунал тўловлар тушумини 2001 йил июнь ойида 137 фоизга бажарган. Бирок, расмий ҳужжатлар ўз вақтида таъбирланмаганлиги ва тўлиқ бўлмаганлиги сабабли пул ўтказиб бериш кечиккан эди. Ажратилган маблағ 2002 йилнинг март ойи охирида ўтказиб берилди.

Н. ҒОЗИХОНОВ, «Келесгазтаъминот» шохобчаси раҳбари.

# ТАЖРИБА ЎРГАНИБ ҚАЙТДИЛАР

**Шарафли касб эгалари – ҳамширалар ўз касб байрамлари – анъанавий Тиббиёт ҳамширалари кунини нишонлади.**

Юртимизда ҳамширалик ишини янада ривожлантириш, беморга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни

сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари уюшмаси ҳам ана шундай хайрли мақсадга хизмат қилади. Мазкур уюшма раиси Рихсихон Солиқўжаева ЎЗА муҳбирига

бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Аҳоли соғлигини сақлаш, беморларни даволаш ва биринчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда ҳамшираларнинг ўрни беқиёс, – деди Р. Солиқўжаева. – Ҳозирги кунда уюшмага 70 мингдан

ортик ўрта тиббиёт ходими аъзо. Уюшманинг АКШ, Швеция, Япония, Германия, Исроил ва МДҲ мамлакатлари билан ўзаро алоқалари яхши йўлга қўйилган. Ҳамширалик ишини жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадида бир гуруҳ ўрта тиббиёт ходимларимиз ривожланган

мамлакатлардаги иш тажрибаси, ўқув жараёнлари билан танишиб қайтди. Бундан ташқари, ўқув юртимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "Лемон" дастури бўйича ҳамширалар тайёрлаш борасида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда ўрта тиббиёт ходимларининг назарий ва амалий билимини ошириш, юқори малакали ҳамширалар

тайёрлаш мақсадида 1999 йилда тиббиёт олий ўқув юртида махсус бўлимлар ташкил этилди. Унга ўрта тиббиёт техникуми ва коллежларини тугатган йигит-қизлар қабул қилина бошланди. Бу йил олий маълумотга эга бўлган ҳамшираларнинг дастлабки гуруҳлари мамлакатимиз тиббиёт ходимлари сафига қўшилди.

Хулқар СОДИҚОВА.

## Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги


### КАТНОВ Йўналишлари Кўпаймоқда

Янгийўл шахридаги Автобус-таксомотор очик турдаги ҳиссдорлик жамияти жамоаси ойлик режаларни ортиги билан адо этиб келаётир.

– Корхонамиздаги юздан ортиқ турли русумдаги автобус ва машиналардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаёмиз, – дейди жамият раиси Жўра Раҳимов. – Ҳозирда 15 та йўналиш бўйича йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиламоқда. Ўтган йилни 2 миллион 422 минг сўм соф фойда билан яқунлаган жамоамиз 2002 йилни ҳам катта кўтаринкилик билан бошлади.

Шу тўғрисида унинг биринчи чорагидаги муваффақиятлар салмоқли бўлди. Натияжада ижтимоий муҳофазага ажратилаётган маблағ кўпаймоқда. Чунончи, шу даврда кам таъминланган оилаларга 274 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Корхона эришаётган меҳнат муваффақиятларида ҳайдовчилардан Тоҳир Ёқубов, Марат Авғанбеков, техника воситаларини соловчи Умарбек Ҳамробеков, Эргаш Жўраев, Валижон Шералиевларнинг улуши салмоқли бўлаётти.

Ақбар АЛЛАМУРОВОД.



«Тўхтаниёв ота» фермер хўжалиги ўз фаолиятини бошлаганига ўн йил бўлиб қолди. Кичик корхона сифатида иш бошлаган хўжалик йил сайин кенгайиб борди, ишлаб чиқариш қувватлари ошиб, Тошкент туманидаги етакчи тадбиркорлик тузилмаларидан бирига айланди.

Дастлабки йили ишбилармон Мухторхожи Тўхтаниёвнинг илтимоси билан чорак гектардан сал ошқироқ ер ажратиб беришди. У бу ерда қушхона ташкил этди. Корхонанинг саккиз кишидан иборат жамоаси гўшт тайёрлаш билан шуғуллана бошлади. Қорамоллар ва қўй-эчкилар аҳолидан ва бозорлардан сотиб олинадиган бўлди, кейинчалик қолбаса цехи ҳам барпо этилди. Унинг «Халол» деб номланган турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ерда ўн икки нафар ишчи меҳнат билан шуғулланиш имконига эга бўлди. Эндликда цехда ҳар сме-нада бир тоннага етказиб етти турдаги махсулотлар тайёрланмоқда.

Ишбилармон Мухторхожи Тўхтаниёвнинг кичик корхонасининг ишлаб чиқариш қувватини оши-

риш ишларини давом эттирди. Қўшимча яна салкам бир гектар ер майдони ажратилишига эришди. Янги олинган ташландиқ майдонда товўқчилик фермаси очилди. Тадбиркор уч ярим мингта товўқни боқа бошлади. Унга уч киши қарамоқда. Шундан кейин кичик корхона росмана фермер хўжалигига айланди.

Бу ерда дастлаб ойига 30 мингтадан ортиқ тухум етиштирилди. Паррандалар қарови яхшилانган, бу кўрсаткич орта борди. Натияжада ўтган йили у ойига 41 мингтага етказилди, икки тоннагача пархез гўшти ҳам буюртмачиларга юбориладиган бўлди.

Паррандалар сони саккиз мингтага етказилган, фаолиятда шундай катта силжишга эришилди. Ўтган йил давомида 500 мингтага яқин тухум тайёрланди. Суръат бу йил ҳам сусаймасдан давом этмоқда.

Корхонада тайёрланаётган барча махсулот турлари давлат стандартидан ўтган, сифат сертификати олган. Шунинг учун ҳам мижозлар катори кўпайиб бормоқда. Жамоа ишлаб чиқараётган махсулотлар Тошкент шаҳри ва Фарғона водийсига етказиб берилаяпти.

– Биз янги, илғор технологияларни жорий қилишни мўлжаллаб турибмиз, – дейди ферма соҳиб-би. – Товўқ гўштини суягидан ажратувчи ва қийма қилувчи махсус мослама сотиб олмақчимиз. Сосис-ка қиймаси ичида ҳаво бўлса, у ичакка тикилганидан кейин сифати тезда бузилади. Шунинг учун ҳаво-

нинг учун ҳам у экспорт-боп махсулотлар кўрик-кўргазмасига намойиш қилиш учун тавсия этилди. «Тўхтаниёв ота» фермер хўжалиги «Бер-АД» фирмаси билан бирга бу тадбирда вилоятимизнинг ўрта ва кичик бизнеси вакиллари сифатида қатнашадилар. Бу олга силжишга рағбатни кучайтиради, албатта.

Собир ҲАМИДОВ.

# ЕТИШТИРАДИ, ҚАЙТА ИШЛАНАДИ



СУРАТЛАРДА: қолбаса цехининг илғор ишчилари Шоҳиста Саматова (чапдан), Моҳира Йўлчиева ва Клара Расулхўжаевалар иш устида (юқорида); шу цех бошичи Шўхрат Қурбонбоев мутахассис Фаридо Поллозова билан тайёр махсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Ферма махсулотлари юк-сак бозор талабларига ҳам бемалол жавоб берадиган даражага етказилган. Шу-

нинг учун ҳам у экспорт-боп махсулотлар кўрик-кўргазмасига намойиш қилиш учун тавсия этилди. «Тўхтаниёв ота» фермер хўжалиги «Бер-АД» фирмаси билан бирга бу тадбирда вилоятимизнинг ўрта ва кичик бизнеси вакиллари сифатида қатнашадилар. Бу олга силжишга рағбатни кучайтиради, албатта.

Собир ҲАМИДОВ.

# Омилкорлик БУ ЕРДА ЎЛЧАГИЧЛАР ТАЪМИРЛАНМОҚДА

– Ходимларимиз, ўзим ҳам хизмат юзасидан жойларга чиқиб, электр қувватидан фойдаланиш қоидаларига қандай амал қилинаётганини текшириб тураемиз, – дейди Бекобод тумани электр тармоқлари идораси раҳбари Мамарафиқ Аҳмедов.

– Шунда айрим корхона ва хонадонларда электр ўлчагич асбоблар бўлиганига, ярқисиз ҳолга келганига дуч келамиз. Шу тўғрисида мана носоҳ ҳисоблагичларни таъмирлаш фикри тугилди. Бу фикрни ходимларимиз муҳокамасига қўйган эдим, кўпчиликка маъқул бўлди...

Идоранинг етакчи мутахассиси Анорбой Исмаилов бу ишга қўл уриш учун зарур имкониятлар яратиб беришни илтимос қилди. Бироз ўтган, бинойидек устахона ташкил этилиб, ҳисоблагичлар таъмирлана бошланди.

Хизматдан тушган маблағ корхона газна-сига қўшилиб, мақсадли йўналишларга сарфланмоқда. Ҳисоблагичларни бузилиб қолган фуқаролар анчагина маблағ сарфлаб, янги асбобларни олиш ўрнига уларни қайта тиклаш билан чек-

ланмоқдалар.

Таъмирловчилар Бекобод туманидан ташқари Бекобод шаҳри ва Бука тумани аҳолисига хизмат қилишмоқда. Улар салкам бир йил ичида мижозларнинг 600 тадан ортиқ ҳисоблагичларини қайта тиклаб беришди.

– Устахонанинг ишга туширилиши айнаи му-дао бўлди, – дейди бу ерга юмуш билан келган мижоз Хайрулла Фозилов. – Зафар қўргониди яшаймиз. Ҳисоблагич-миз кеча тўсатдан ишламай қолди. Монтерни чақиртириб, уни жойидан олдирдим ва бугун олиб келдим. Устахона ходимлари уни тезда таъмирлаб беришди. Бу билан илгаригидек ортиқча оврагарчиликдан, анчагина маблағ эвазига янгисини сотиб олишдан озо-д бўлдим. Мушкулимизни осон қилаётган усталар-нинг қўллари дард кўрма-син.

Турсунали УСМОНОВ.

# СУВ ҚАЙТА ИШЛАТИЛАЯПТИ

Туманимиз ҳудудидан тўққизта сув манбаи оқиб ўтади. Унинг бойлиги – об-ҳаётдан оқило-на фойдаланиш, ҳар дам тоза ва соф ҳолда бўлишини таъминлаш мумкин вазифадир.

Минтақавий кўмитамиз табиати муҳофаза қилиш бўйича барча ишлар қатори ушбу соҳани ҳам мутасил назорат қилиб туради. Бунинг учун монит-оринг олиб борилди. Ҳар ойда Чирчиқ дарёси, Салор, Бўзсув ва бошқа каналлар сувларидан на-муналар олинди, текши-рилди. Мазкур сув ҳав-заларидаги об-ҳаёт сифа-ти мўтадил, тозалик та-лабларига жавоб бермоқ-да. Бунга туман ҳокимли-ги ва мутасадди ташки-лотлар билан биргаликда олиб борилаётган амалий ишлар тўғрисида эришил-моқда. Чунончи, ҳар йили Чирчиқ дарёси ўзани то-залаб турилади. Канал-ларда ҳам вақти-вақти билан шундай ишлар қилинади. Ҳозирги вақ-да Чирчиқ дарёсининг ўзанини тўла таъмирлаш ва тартибга солиш лойи-ҳасини ишлаб чиқиш ту-галланмоқда. Бу ишнинг икки километр узунли-даги қисмида бажарилади.

Сувни ишлатишдаги исрофгарчиликни кама-йтириш мақсадида ундан кўп ҳажмда фойдалана-ди.

ган корхона ва ташкилот-ларда техникавий тадбир-лар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор сувдан қайта фойдаланиш технологиясини жорий қилишга қаратилаяпти.

«Биокимё» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш мақсадлари учун сувни кўп ишлатадиган корхонадир. Экологлар ва жамият му-тахассисларининг бирга-ликда олиб борган ишлар-и яхши натижа берди. У ерда сувни қайта ишла-тиш йўлга қўйилди. Худ-ди шундай тадбирлар «Янгийўл» агрофирмаси, металл пластмасса заво-ди, «Фишт инвест» маъсу-ляти чекланган жамияти ва бошқа корхоналарда ҳам амалга оширилди. Бунинг натижасида улар-нинг ҳар бирда кунига 200 куб метргача қиммат-ли сув тежаладиган бўлди. Бу йилга милли-он куб метрлаб сув иқти-сосид қилиш имконини бе-ради. Об-ҳаётни тежашга эришиш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади.

В. МАҲМУДОВ.

# КУНИГА 600 ДЕКАЛИТР

Қуйичирчиқ туманидаги «Дўстобод-нон» кор-хонаси ишлаб чиқарилаётган нон махсулотлари турлари сонини 20тага етказди.

Дастурхон кўрки ҳисоб-ланган бу неъматлар туманининг барча аҳоли манзилгоҳларига етказиб берилмоқда.

Корхонада музқаймоқ ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйил-

ган. Бунинг учун махсус цех барпо этилди. Ҳозир бу ерда икки хил лимонад ҳамда маъданли сув, ҳар куни жами 600 декалитр салқин ичимлик, 500-600 килограмм музқаймоқ тайёрланаётти.

Али МУРОВОД.

# Мутахассис бонг уради

# ЧИЛИСОЙ ТАШВИШ ТУҒДИРМОҚДА

Туманимиздаги Чилисойнинг ҳолати биз эко-логларда катта ташвишга сабаб бўлмоқда. Бу ерда сув эрозияси табиатга зарар етказмоқда. Унинг тасирини атрофдаги ер майдонларининг ҳолати ёмонлашмоқда, ҳатто Тошкент-Бекобод автошохқўчасига хавф солиниши мумкин.

ҳажми 30 миллион сўмга етказилди. Бунинг ҳисоби-га каттагина ҳажмдаги ол-дини олиш ишлари ҳам ба-жарилди. Аммо, сув ювиб кетиши натижасида ҳеч

Тумандаги «Бўстон»-ширкат хўжалигининг 150 гектарли экин майдонла-рига сув чиқариш мақса-дида қурилган тўғон ўрни-да анча замонавий янги-си барпо этилган эди. Уни ҳам кучли сув оқими ювиб кетган. Агар бу ерда сув эрозиясининг олдини олиш учун зарур барча тадбирлар амалга оши-рилмаса унинг атроф-му-ҳитга салбий таъсири янада кўпроқ бўлиши тур-ган гап. Шунинг учун ҳам бу муҳим ишга барча ман-фаатдор мутасаддилар эътиборини жалб қилиш, улар билан биргаликда мажмуий чоралар ишлаб чиқиш ва зудлик билан амалга ошириш лозим.

Тўғри бу ерда сув эро-зиясининг олдини олиш, зарарини камайтиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда. Лекин, у етарли бўлмапти. Уни охирига етказиш учун лозим бўлган барча иш-лар мажмуаси амалга ош-маяпти.

Давлат томонидан бу иш учун ажратилган ма-блағлар самараси кўрин-маяпти. Масалан, 2000 йилда бу ерда сув эрози-ясининг олдини олиш учун 12 миллион сўм ма-блағ ажратилди. Уни ўзлаштириш вазифаси эса 7-механизациялашган кўча ҳамлама жамоаси



қандай натижага эришил-мади.

И. АЗИМОВ, Бука тумани табиати-муҳофаза қилиш кўмитасининг давлат но-зир.

Диққат: «Тошвилоятгазтаъминот» шўъба корхонаси оғохлантиради

## ГАЗ АСБОБЛАРИДАН

### Фойдаланиш Қоидаларига Риоя Қилиш Хавфсизлигини Гаровидир

Рўзгор газ асбобларидан фойдаланишда бахтсиз ҳодисалар олдини олмақ учун уларни хавфсиз ишлатиш борасидаги асосий талабларни эслаб:
 

- Газ асбоблари яқинига болалар ва улардан фойдаланиш қоидаларини билмайдиган шахсларни йўлатманг.
- Ишлаётган газ асбобларини назоратсиз қолдирманг. Эҳтимолдан ҳоли бўлмаган носозликлар сабабли таъминот узилиб қолса, хона газга тўлиб қолади.

**Газ плитасидан фойдаланганда:**

- конфоркага ости кенг идишни махсус тагликисиз қўйманг;
- духовкадан фойдаланишдан олдин уни шамоллатинг, аввалига ёндирилган гугуртни горелкага яқинлаштириб, сўнгра тегишли жўрмакни очинг. Горелка ўчиб қолса, уни яна ёқиш учун духовкани обдон шамоллатинг;
- қувурли ва ҳажмли сувиситичларни ишга тушириш ва тўхтатиш олдидан мўрилари ҳаво тортаётганини текшириб кўришни унутманг;
- баллонли газ қурилмасидан фойдаланганда, босим созлагичи ва улоччи шлангларни кўздан кечиринг. Газ баллонларининг иссиқлик манбалари ва олов яқинида сақланишига йўл қўйманг.
- Газ баллонларини ноқонуний йўл билан сотиб олманг, чунки улардан фойдаланишга кафолат бўлмади. Баллонларни белгиланган жойларда сақланг.
- Газ баллонларини кўп қаватли уйларида сақлаш ва фойдаланиш қатъиян таъқиқланади. Бирор хонадонда хавфсизлик қоидаларининг бузилиши бутун уйни фалокатга олиб келиши мумкин.
- Шаҳар ва туман газ идораларини хабардор қилмай, ўзбошимчалик билан газ асбобларини ўрнатиш ва қайта ўрнатиш ҳамда уларни газ таъминоти тизимига улаш ман этилади. Уларни ўрнатишда зарур талабларга риоя этмаслик ёнғин, портлаш, захарланишнинг сабабчиси бўлиши мумкин.
- Газ ҳидини пайқашингиз билан газ асбоблари олдидаги жўрмакларни дарҳол беркитинг, хонани шамоллатинг, электр ёқичлардан, очик оловдан мутлақо фойдаланманг, дарҳол шаҳар (туман) газ идораларининг авария-диспетчерлик хизматига хабар беринг. Сиз рўзгорда газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қиласиз деган умиддамиз. Бу саломатлигингиз ва фаровонлигингизни сақлаш учун ёрдам беради.

**«Тошвилоятгазтаъминот» шўъба корхонаси.**

Ташаккур

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

Мен Бўка туманидаги «Равот» ширкат ҳўжалигида яшайман. Шу йил апрель ойининг тўққизинчи кўни даладан икки бош қорамолини ўғирлаб кетишган эди. Лекин, кўшин Покент туманидаги «Қирққизобод» ҳўжалиги худудидида ташкил этилган таянч пунктнинг хўшёр ходимлари – милиция старшинаси Зариф Ражаббоев билан милиционер Нурмуҳаммад Бозорбоев ўғирларни ушлаб, молларимизни хонадонимизга қайтаришга ёрдам беришди. Сергак милиция ходимларига минг раҳмат!

Қаноат БАЁТОВ, меҳнат фахрийси.

ИНСОН – ЖАМИЯТ – ҚОНУН

«Тошкент ҳақиқати»нинг ҳуқуқий саҳифаси

Асосий қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ

50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Фуқароларнинг мазкур конституциявий бурчи Асосий Қонунимиз даражасида ўз ифодасини топиши уларнинг атроф муҳитга нисбатан бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришга қаратилган бўлиб, у яшаш муҳити, табиат ва маънавият ҳамда экологиянинг бир-бири билан ўзаро узвий ва чамбарчас боғлиқлигига асослангандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Уни ҳал қилиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кўни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир».

Мазкур кўрсатма юртимиз фуқароларидан масъулиятни ҳис қилиш билан бирга табиат бойликларини авайлаб асраш ва улардан оқилона тарзда фойдаланишда маълум бир тадбирларни амалга оширишни ҳам талаб қилади.

Шунинг учун ҳам республикада бу масалаларни тартибга солишнинг қонунчилик базаси вуқудга келтирилди. Республикада Олий Мажлисининг сессияларида депутатлар томонидан қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш», «Сув ва сувдан фойдаланиш», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий худудлар», «Ер ости бойликлари», «Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш», «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш» тўғрисидаги қонунлар, шунингдек «Ер кодексини», «Ер кадастри» ва «Урмон тўғрисида»ги кодекслар фуқароларга табиатни муҳофаза қилишда алоҳида мажбурият юқлайди. Бу эса, ўз навбатида барча ер, сув, ҳаво, ер ости бойликлари, ўсимлик ва хайвонот дунёсини, ўрмон бойликларидан оқилона равишда фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилишни тақозо этади. Ушбу ҳолат Конституциянинг 55-моддасида кўрсатиб ўтилган талабларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Конституциянинг 50-моддасида кўрсатиб ўтилган мажбурият нафақат табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, балки, табиат бойликларини тиклаш ва кўпайтириш, атроф муҳитни сақлаш ҳамда табиат бойликларини тўлдириб боришни ҳам тақозо этади.

Зеро, Президентнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида БМТ Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик саммити»да сўзлаган нутқи ва қиритган таклифлари ҳам оламшумул аҳамиятга эга. Фуқароларнинг, қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза

қилиш тўғрисидаги қонунларга риоя қилмаслиги, айрим ҳолларда эса уларни қўпол равишда бузиши фалокатли ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Масалан, Орол денгизи ҳавзаси ва Орол бўйидаги носоғлом экологик вазият Марказий Осиё халқларига табиий ва иқтисодий жиҳатдан жиддий зарар етказмоқда. Бундай ҳолатнинг юзага келиши табиий бойликлардан оқилона фойдаланмаслик, шунингдек пахта яққа ҳўқимлиги каби шарт-шароитлар билан боғлиқ. Ҳуқуқимиз томонидан бу борада бир қатор муҳим тадбирлар белгиланди: Оролни кўтариш учун Қорақалпоғистонда ва бутун Ўзбекистонда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган махсус давлат комиссияси тузилди; Қорақалпоғистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида экологик экспертиза ўтказиш бошқармаси ва унинг қўшида илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Республикада Езувчилар уюшмаси ҳузурда Оролни кўтариш бўйича жамоатчилик асосида ташкил қилинган кўмита мақтовга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Орол муаммоси фақат минтақавий фўжиа бўлмаганлиги сабабли, БМТнинг тузилмалари ва ЮНЕСКО ташкилоти ҳам бу йўналиш бўйича махсус иш олиб бормоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган конституциявий мажбуриятларни бажармаган фуқаролар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда интизомий, мулкий, маъмурий ва ҳаттоки жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Демак, атроф муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, она табиатни, унинг бойликлари ва ноз-неъматларини келажак авлодларга асраб-авайлаб етказиш ҳамда уларни бундан баҳраманд қилиш ҳозирги авлоднинг асосий конституциявий бурчларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва экология талабларига риоя этиши шарт. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, инсон ҳар қандай вазиятда она табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиши зарур. Зеро, инсон табиатнинг алоҳида онгли бир бўлагидир.

Эргаш САЙИТОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

• Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари аҳолининг ҳуқуқий тарбияси борасида қизгин иш олиб боришаётир. Маҳаллалар, бошқа жамоат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлик аҳолининг турли қатламлари иштирокидаги давра суҳбатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан учрашув ва савол-жавоб кечалари унинг таъсирчанлигини кўчатирапти. Бу ишларда участка нозирларининг бевосита иштироки ва ташкилотчилиги фаоллашмоқда. Айниқса, участка нозирини, милиция сержантини Ринат Яфаров аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда алоҳида ибрат кўрсатаётир.

СУРАТДА: Ринат Яфаров фаоллар билан навбатдаги ишларни режалаштирмоқда.



Ногаҳон ўқ овози қишлоқни ларзага келтирди. Унинг ақсадолига «дод» деб йиллаган овоз уланиб кетди. Уйқудаги ўғлининг бошини нишонга олиб, икки бора тепкинни босиб, ата маъносиз қотиб қолган кўзларини гоҳ тўшоғидан бурқсиб чиқётган дудга, гоҳ эндиғина 22 ёшга тўлаётган йигитнинг мажақланган миясига тикиб турарди.

Бу фўжиа Тошкент туманидаги Муҳаммадхон Фозилов номили ҳўжалида юз берди. Шу ҳўжалик аъзоси Муҳаммадхон Музаффаров ўғли Маъмуржонни ухлаб ётган пайтида отиб ўлдирди. Ички ишлар идораси рўйхатидан ўтказмасдан, яъни ноқонуний сақланаётган қўшоғизли ов милтиги «ақл кетганда» шашт билан қўлга олиниши шу жиноят содир бўлишига олиб келди.

Ҳар ишнинг ўз русуми бор. Жумладан, овчиликнинг ҳам. Қадим-қадимдан тоғ-тош кезиб, чўп-қир ошиб, сой-қамишзор кечиб, дарё-денгизда сузиб, овчилик билан шуғулланган халқимиз. Қўшоғиз милтиқсиз овчи-овчим?

Ҳўш, бугунги кўнда ҳаваскор овчиларимиз ўз қуролларини қандай сақлашмоқда?

Тошкент вилоятида яқинда ўтказилган «Арсенал» махсус тадбири амалиётчилари шу саволга жавоб излашди.

Очиги, ички ишлар ходимлари вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида ўтказишган текширишлар мобайнида қўтилмаган бир қатор ҳолатлар аниқланди. Ов милтиқларини махсус рўйхатдан ўтказмасдан сақлаш ҳоллари хануз учраб экан. Чўнончи, Бўка туманидаги «Гулистон» жамоа ҳўжалигида марказий устaxonанинг қорювли Юрий Анжинко кўп вақтдан буён бир оғизли ов милтиғига эга. Лекин, уни ноқонуний тарзда сақлаётганлиги «хаёлига келмаган». Бу хаёлфаромушлик уни ов милтиғидан бебаҳра қолдирди, албатта.

Текширишлар бундай фактлар яққа-ёғиз эмаслигини кўрсатди. Кавардон қишлоғидаги Умарали Аҳмедовни кўпчилик яқши танийди. Лекин унинг ноқонуний ҳатти-ҳаркатларидан текшириш кўнигача, эҳтимолки, ҳамқишлоқлар кўп ҳам хабардор бўлишмаган. Ҳар қалай, ички ишлар ходимлари у ўз уйида қонунга зид равишда қўшоғиз милтиқ сақлаётганлигини аниқлашди.

Шунингдек, Покент туманидаги «Намуна» жамоа ҳўжалигида яшовчи Камол Мусурмонов, Чинон туманидаги «Дўстлик» жамоа ҳўжалигида яшовчи Василий Суҳов, Тошкент туманидаги Кенсой қишлоғида яшовчи Шукрулло Жумамаҳмудовлар ҳам ов қуролларини ноқонуний равишда сақлашаётганлиги маълум бўлди.

Умуман, «Арсенал» тадбири

«Арсенал»

манидаги «Гулистон» жамоа ҳўжалигида бундан ҳам ҳайратланарли фактни фўш этишди. Ҳеч қаерда ишламайдиган 38 ёшли Артём Егай иттифоқ ўз уйи ёнида тўхтаб текширилди. Ички ишлар ходимлари унинг ёнидан «наган» русумли тўпқончани тўрт дона жанговар ўқи билан тортиб олишди.

Албатта, бундай ҳоллар жиддий ўйга толдиради кишини. Шу билан бирга оғоҳликка даъват қилади. Зеро, бекордан-бекор, беиз, бемақсад ҳеч нарса йўқ. Биз ҳар қандай

ЭГРИ СЎҚМОҚДАГИЛАР

ёки вилоятда ўтказилган махсус текширишларнинг натижалари ҳақида

мўмайгина жарима тўлади.

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида 240 халқ ҳўжалик объекти ҳам текширишлар билан қамраб олинди. Ўқотар қуроли бўлган 87та, портловчи модда ва ашёлари бўлган 14та, тез таъсир этувчи ва гиёвханд моддалари бўлган 103та, радиоактив моддалар билан ишловчи 14та қорхона ва муассасадаги аҳвол ёнғин хавфсизлиги хизмати, санитария-эпидемиология маркази, тоғ-кон назорати нозирлиги ходимлари билан ҳамкорликда текшириб чиқилди. Баъзи муассасаларнинг фаолияти улардаги ҳолатлар техник талабдан жавоб бермаслиги учун тўхтаб қўйилди.

Текширув жараёнида кўпни кўрган ходимларни ўйлантириб қўйган ҳолатларга ҳам дуч келинди. Чўнончи, Уртачирчиқ туманидаги «Янги тўлқин» жамоа ҳўжалигида Абдукарим Алдановнинг ўйини кўздан кечириш чоғида шундай бўлди. Ҳеч таъсир ишламайдиган бу йигит қўшоғиз ов милтиғини ноқонуний равишда сақлаб келган. Боз устига милтиқнинг стволни қирқилиб, қалташтириб қўйилган. Чирчиқ шаҳарининг Спортчилар кўчасида яшовчи Лариса Камардина эса... қўлда ясалган айланма стволли «револьвер» тўпқончасини яширин сақлаб келган.

Текширувчилар Куйичирчиқ ту-

ҳолат ёки воқеани таҳлил қилишимиз, ундан тегишли хулосалар чиқариб олишимиз керак. Шу текширишлар мобайнида аҳоли ўртасида олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида фуқаролар 7 ҳолатда ноқонуний сақланаётган қуроллар ва ўқ-дориларни ўз ихтиёрлари билан топширишди. Умуман, текшириш давомида 191та ўқотар қурол ноқонуний сақланаётганлиги ёки сақлаш қондаси бузилганлиги учун фуқаролардан олинди. Саккиз ҳолат бўйича тергов бўлимлари томонидан жиноят иши кўзга тилиди.

Ҳаётда ҳамма ишнинг, ҳатти-ҳаракатнинг ўз рисоласи бор. Қўнончилик ва бошқа мезёрий ҳўжатларда ов қуролларини сақлаш тартиби мукамал белгиланган. Юзлаб юртдошларимиз унга оғишмай амал қилиб, ўзлари севган машғулот билан эркин шуғулланишмоқда.

Бироқ, қонунларни назар-писанд қилмаслик, уларга риоя этмаслик қандай оқибатларга олиб бориши мумкинлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Бу эгри сўқмоқлар бевосита жиноятчилик, беғуноҳ одамлар ҳаётига қасд қилиш, жамоат тартибини бузиш йўлига тутатиб кетишини кўриб-қузатиб келмоқдими. Бундай ҳатти-ҳаракатларга чек қўйиш ҳажиятдаги барқарорлик, тинчлик, хотиржамликнинг асоси эканлигини ҳеч қачон унутмайлик.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Фойдали суҳбат

Чирчиқ шаҳри маҳаллаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда. 15-маҳаллада ўтган шундай тадбирда фуқаролар ва коллеж ўқувчилари, шунингдек шаҳар маҳаллаларининг фаоллари иштирок этишди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Марямжон Даминова мустақил мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳақ-ҳўқуқини билиши лозимлигини, бунда Конституция қоидаларини пухта ўзлаштириб олиш асосий ўрин тутганини таъкидлаб гапирди. Шаҳар прокуратурасининг масъул ходими Равшан Қўчқоровнинг маърузаси йиғилиш

иштирокчиларида қатта таъсирот қолдирди. У инсон ўз ҳўқуқларидан тўғри фойдаланиши ва бурчларини оғишмай бажариши ҳажиятда барқарорликнинг асоси эканлигини уқтирди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, диний экстремизмга қарши кураш қонунчилиқни мустаҳкамлашда асосий ўрин тутди, деди маърузачи. Уруш қатнашчиси, 37-маҳалла оқсоқоли Сирожиддин Ризаматов фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини тарбиялашда маҳалла муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Ўз муҳбиримиз.

Халқаро ҳаёт

Жаҳон иқтисодий тизимида бир ойдан буён қўтилаётган ўзгариш низоат юз берди. Фаластинликларга бирдамлик маъносидида нефть экспортини тўхтатган Ироқ ҳўкумати ўзининг қарорини бекор қилди.

Ироқ бир ой аввал шу йўл билан Фаластинда юз бераётган хунрезликларга чек қўймоқчи бўлди. Эрон ва Ливия раҳбарлари Саддам Ҳўсейннинг йўлини тутмаган бўлса-да, уни қўллаб-қувватлади. Қўлган араб давлатлари, хўсусан, Саудия Арабистонини эса Вағдоднинг бу сивасига норозилик билдирди.

Бугун вазият Ироқ кутганидек ривожланмагани кўриниб турибди. Аксинча, нефть экспортининг тўхтатилиши мамлакатнинг узини янада оғир аҳволга солиб қўйди. Вағдоднинг Яқин Шарқ муаммосига бундай вндашувини ақсарият Европа давлатлари томонидан ҳам қораланди. БМТда

ИРОҚ ЯНА НЕФТЬ САВДОСИНИ БОШЛАДИ



оса Ироққа нисбатан чора қўриш ҳақида гап-сузлар кўпайди.

АҚШга келсак, у ҳозирча Ироққа нисбатан ҳеч қандай чора қўрмаган йўқ. Америкалик сивасатчиларнинг фикрича, Ироқдаги тузум яқин орада ўзгармас экан, бу нафақат нефть бозоридидаги бекорорлик, балки давлатлараро муносабатларнинг мураккаблашшига ҳам оғлиб келиши мумкин. Гарб оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга кўра, ҳозир АҚШ ҳўкумати Ироқ борасида қандай йўл туттиш мумкинлигини ўрганмоқда. Шу билан бирга, Оқ уй Вағдоддаги вазиятни яқшидаш халқаро террорчиликка қарши курашга алоқадор эмаслигини таъкидламоқда.

Маълумки, «Ироқ муаммоси» 11 сентябрь воқеаларидан йлгари ҳам мавжуд эди. Энди у янада кескинлашди, ҳолос. АҚШ президентининг мил-

лий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондолиза Райс Саддам Ҳўсейн юртбатган сивасатни оқлаб бўлмастлигини таъкидлар экан, эндиги вазифа бошқа иттифоқчи мамлакатларни Ироқ муаммосини ҳал этишга сафарбар қилишда иборатлигини айтди.

Ўз навбатида, Ироқ ҳўкумати нефть савдоси билан шуғулланувчи барча мамлакатларни АҚШга сивасий ва иқтисодий таъйиқ бошлашга қақирмоқда. Ироқ бир йилда икки миллион баррелга яқин нефть экспорт қилади. Шунинг 750 миң баррелди воситачилар орқали АҚШга етказиларди. Энди нефть бозоридида нарх-наво қандай бўлади? Ҳозирча мутахассислар бу саволга жавоб беришга журъат етмайпти.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎзА.

# Европа киноси кунлари бошланди



Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги санъат саройида Европа киноси кунлари бошланди. "Ўзбекино" давлат акционерлик компанияси кўмагида ўтказилаётган ушбу ўзига хос санъат байрами кунларида Франция, Германия, Бельгия, Италия, Чехия, Швейцария, Туркия, Буюк Британия киносининг энг яхши асарлари намойиш этилади.

Мустиқиллик йилларида барча соҳаларини дунёда миллий санъатимизнинг кенг тарғиб этиши, шу билан

бирга жаҳон маданиятининг энг нодир дурдоналари билан танишиш имконияти яратилди. Тўртинчи марта ташкил этилаётган ушбу тадбир Ўзбекистон билан Европа мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, халқимизни жаҳоннинг тараққий этган

давлатлари мумтоз ва замонавий киносанъати асарлари билан янада кенгрок таништиришга хизмат қилади. Европа фильмлари намойиши инглиз кинематографларининг "Бриджет Жонсоннинг кундалиги" фильми билан бошланди. У машҳур инглиз ёзувчиси Хелен Филдинг хонимнинг ана шу номидаги романи асосида суратга олинган.

(ЎЗА).

## Таъриба Янги илмий марказ

Тошкент Фармацевтика институти хузурида дори воситаларини стандартлаш илмий маркази ташкил этилди.

Маҳаллий табиий ресурслар асосида дори-дармон яратиши ва шифо воситаларини стандартлаш ишларини халқаро талаблар даражасига кўтариш мақсадига таъсис этилган мазкур марказда фармако-токсикологик таҳлил лабораторияси, илмий-услубий, ахборот-патент бўлими ҳамда таъриба ишлаб чиқариш базаси мавжуд.

Марказ фармацевтика саноатида мавжуд дори-дармон ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янги ва амалдаги шифо воситалари сифати ҳамда яроқлилиги мўддатини аниқлаш билан шуғулланади. У АҚШ, Германия, Швейцария, Австрия сингари тараққий этган мамлакатлардан келтирилган замонавий лаборатория илмий-тадқиқот ускуналари билан жиҳозланган.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА муҳбири.

## Кўргазма ҚАБОҲАТ ТУЗОҒИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида "Қабоҳат тузоғи" мавзусида кўргазма ўтказилмоқда.

Кўргазмага Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги ўқув муассасаларининг талабалари чизган 60 дан ортқ асарлар кўйилган. Деда кўргазма ташкилотчиси Вилоят Худойбердиева. Расмларда гиёҳвандликнинг муҳдиш оқибатлари тасвирланган. Тадбир якунида талабалар томонидан гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида ҳужоя қилувчи "Заҳарли томчи" спектакли намойиш этилди.

"Туркистон-пресс".

# ЭНГ ЯХШИ ХИМОЯ - ҲУЖУМ

Мамлакат XI-миллий чемпионати олий табақа жамоалари навбатдаги 9-тур учрашувларини ўтказдилар. Етти учрашувда дарвозаларга 20та тўп киритилди. Вилотиимиз вакиллари бу тур учрашувларини ўз майдонларида ўтказдилар.

«Дўстлик» жамоаси самарқандлик футболчилар билан баҳс юритди. Уйнинг дастлабки дақиқасиданоқ майдон эгаларининг фақат галаба учун ҳаракат қилишлари маълум бўлиб қолди. Кетма-кет қилинган ҳужумларнинг бирида мяхмонлар ҳакам томонидан 11 метрлик жарима тўпи билан жазоландилар. Натижада Мухтор Курбонов 4-дақиқада ҳисобни очди. Бу муваффақиятдан руҳланиб кетган Мухтор Курбоновнинг ўйинлари қовушиб, 31- ва 38-дақиқаларда яна иккита тўп киритиб, «хет-трик»га эришди.

Учрашунинг 49-дақиқасида Алексей Кликунов туртинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди. 76-дақиқада мяхмонлар ҳужумини қоидани бузган ҳолда тўхтатиб қолганликлари учун ҳакам майдон эгаларини 11 метрлик жарима тўпи билан жазолади. Мяхмонлар ҳужумчиси Алишер Пўлатов бу жарима тўпини дарвозага аниқ йўллаб ҳисобдаги фарқни кискарттирди. Бу галабадан сўнг «Дўстлик» очкосини 12тага етказиб яна 10 ўринга кўтарилиб олди. Бекободнинг «Металлург» жамоаси ўз майдонида «Андихон» жамоаси билан баҳс юритди. Бу ерда ҳам учрашунинг дастлабки дақиқасида майдон эгалари 11 метрлик жарима тўпини рақиб дарвозасига аниқ йўллаб, ҳисобда олдинга чиқиб олдилар. Танаффуздан сўнг майдон эгалари ҳужумга зўр бериб, 53- ва 70-дақиқаларда яна иккита тўп киритиб, 3:0 ҳисобига йирик галабага эришдилар ва тўққиз учрашувдан 14 очко тўплаб, кучли олтилик сафига кириб олдилар. Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» - «Бухоро» 2:2, «Қўқон-1912» - «Сўғдиёна» 1:0, «Нефчи» - «Машъал» 4:0, «Қизилқум» - «Навбахор» 1:1, «Сурхон» - «Трактор» 1:0, «Зарафшон» - «Пах-



такор» учрашуви 3 июлга кечиктирилди.

10-тур учрашувлари 18 май, шанба кuni бўлиб ўтади. Бу турда «Дўстлик» Бухорода майдон эгаларига қарши баҳс юритади. «Металлург» Наманганда «Навбахор» мяхмони бўлади.

Талъат ЮСУПОВ.

## «ТОШКЕНТ» ВА «ҚИБРАЙ» УЧРАШАДИ

Илгари хабар қилганимиздек, 8 май кuni вилоят футбол кубоги ярим финалининг тақрири учрашувлари бўлиб ўтди.

Биринчи учрашувда «Акмал» футболчилари «Қибрай» жамоасининг мяхмони бўлиб, 1:1 ҳисобида дуранга эришиб, финалга йўлангани кўлга киритиши анча энгиллаштириб қўйган эдилар. Бироқ, тақрири учрашуви 2:3 ҳисобига бой бериб, ўйиндан чиқишга мажбур бўлдилар.

«Тошкент» ширкат ҳўжалиги футболчилари эса имкониятдан юз фойда қилдилар. Улар «Олмалик» жамоасини мяхмонда 3:0, ўз майдонларида 2:1 ҳисобида енгиб, финалга осонгина чиқдилар.

Шундай қилиб «Тошкент» ҳамда «Қибрай» жамоалари ўртасидаги финал учрашуви аънамага мувофиқ август ойида ўтказилади.

## ВИЛОЯТ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

12 май кuni Оққўрғон туманида футбол бўйича вилоят чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу кuni ўйингоҳга тўпланган минглаб футбол мухлислари марокан концерт дастурини томоша қилиб, мириқиб хордиқ чиқардилар ва чиройли ўтган футбол учрашувидан завқ олдилар. Футбол байрами тусини олган тантаналарда танikli санъаткорлар - Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Қозим Қаюмов ва Юлдаз Абдуллаева, машҳур сўз усталари Хожийбой Тожибоев, Валижон Шамсиевнинг ичакузди хангоналари минглаб томошабинларга завқ-шавақ бағишладилар.

Шундан сўнг республика футбол чемпионатининг иккинчи табақаси мақомига эга бўлган вилоят чемпионатининг очилиш маросими бошланди. Республика футбол федерациясининг катта мутахассиси, машҳур футбол шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев

ўйингоҳга тўпланган барча ишчибозларни янги мавсумнинг бошланиши билан самийий табриқлади. Оққўрғоннинг «Акмал» ва Чирчиқнинг «Танчи» жамоалари сардорлари вилоят чемпионати байроғини кўтардилар. Ўзбекистоннинг миллий мадҳияси ўйингоҳ узра янгради.

Тантанали маросимдан сўнг ҳар икки футбол жамоаси яшил майдонга чиқди. Биринчи турнинг дастлабки тури бошланганидан дарак берувчи хуштак садоси янгради. Кескин курашлар остида ўтган учрашув 2:0 ҳисобида «Акмал» жамоасининг галабаси билан якунланди.

Биринчи турнинг қолган учрашувлари 19 май кuni бўлиб ўтади. Вилоят чемпионатида жами 12та жамоа иштирок этмоқда.

Самад Йўлдош.



# ЯССАВИЙНИНГ СЎНГГИ САФАРИ

— Сизга айтар мухтасар сўзимиз бор, Султон. Буни хоҳ насиҳат деб билинг, хоҳ васият. Жоҳилият деб аталмиш узун бир даврада одамлар тил-забонли хайвондек яшади. Тириклайин кўмилди, зино айб саналмади, ҳаром-ҳариддан ҳазар қилмадилар. Оллоҳга шукр, дини ислом нозил бўлди. Энди куръони мажид бор, ҳадиси шариф бор. Вале менинг хавотирим ҳам бор.

Санжар таажжуб ила сўради:

— Недин хавотирлари бор, пирим?

— Оят ўқиб, тафсирини ўқмаган аҳли каломдин. Салласидин отик қўйинг, ароба ҳурқадиган кўр қорилардин. Авомни Оллох сўзи бирла кўрқитиб, лўқма ейдирин уламолардин, ҳадисни калтак қилиб раивиятнинг жонига озор бергучи муҳаддислардин хавотирим бор. Оллох таоло ва таборақ исломни азоб учун эмас, роҳат учун яратмиш. Дин деб халойиқ жафо тортмасин, билъакс кўнгли сув ичсин, умри зиёда бўлсин. Боқинг, Султон. Тарёк захри қотил, арақ дурдаси куфрони неъмат. Вале ёмон дардга чалинган кишининг дору ўрнида истеъмол этиши гуноҳи азим эрмас. Жоҳил уламо эоти борки, бул жаҳикати эшитса, сақолни юлиб, галаён кўтаргай. Уларга авомнинг саломатлигининг дастор обрўсини асраб қолмок авлорқодир. Бир ажиб замонлар келади ҳатти, Султон, мутаассиб муллоларнинг фаъоси билан исломиятга бидъату хурофот унсурлари кўчиб ўтажақ. Алап-оқибат мунаввар дини исломга маломат захмат етажақ. Бу янглиг андешалар тунлар уйқунгизни ўчирмайди, шох жаноблари!

Султон Санжар пирни қомилнинг сўзларига таслим бўлиб, тамоми ўзини унутган, хаёл уммониде гарк эди.

Ҳазрат бир неча сонийлик сукутдан кейин ўзига-ўзи деди:

— Менинг уйқум қоҳадир...

... Уша кuni Санжарнинг уйқуси ўчди. Алоқ-чалок тушлар кўриб чиқди. Тушида бир тўда уламо масжид устунларини от қилиб миниб юрганмиш... Қози калон салласини тўлдириб, қора қўйнинг калласини кўтариб кетаётганмиш... Мухтасибнинг қўлида таёқ, ҳайкириб одамларни қувармиш. Калтаги негадир алифга ўхшар эмиш... Санжар уйғониб тақбир айтди. Вазир ақбарни чақириб исоқ тарқатишни буюрди.

Уч кун ўтиб, шаҳарда жаноза намози кўпайиб кетди. Кўчаларда ўқтин-ўқтин тобуллар кўринади: анбар ёпилган - аёлларники, жойнамозга ўралган норасидалар, ёстиққа кўндаланг ётқизилган гўдак баччалар...

Салтанатнинг турли бурчакларидан етиб келган табиблар уйма-уй юриб муолажа қиладилар.

Мезаналарда муаззинлар даъвати тинган, ҳар ким ўз ётига ўзи қовурилади, бошларига келган дарду бало билан олишади.

Қалъа дарвозаларидан гурас-гурас туя қарвонлари киради. Барчасига исирқиқ юкланган. Шаҳар кўчаларида, хонадонларда, қарвонсаройлари мусофирхоналарда бетиним исирқиқ тутади. Марвий жаҳон гўё ҳасрат ўтида тутаб ёнаётгандек эди.

Худонинг берган кuni бир хонадонда йнги товуши эшитилади. «Вой болаи! Вой онажоним! Вой отажоним!» деган нолаю афғондан юраклар поря-поря бўлади.

Кун ўтиб борар, кун ўтган сари шаҳар аҳли сийрақлашиб, қабр аҳли кўпайиб борарди.

Шайхул-масоийх ҳўжрасидан бир қадам чиқмай, мўким ўтирибди. Салот ҳам, савлот ҳам шу ерда. У Кутбиддин билан қошиқ йўнади, маъсур дуолардан ўқийди, ноғохон эл устига ёғилган фалокатни ўзинг аритгин, дея Оллоҳдан шафоат тилайди.

Бир кuni Сулаймон кирди. У калласини солиб, анча ўтирди-ю ух тортиб, оғиз очди: — Сафимиздан хато бўлди, пирим.

Шайх ёғочдан бош кўтарди: — Қимлар экан, билдингизми?

— Ховва. Бириси Исфижобдин, иккинчиси Самарқанддан, боз иккиси Соброндин экан.

Шайх юзига фотиҳа тортди.

— Аларнинг ҳажжи бадалин мўйнигизга олинг, — деди кейин, — сабр қилайлик, Сулаймон. Ойнинг ўн беши қоронгу, ўн беши ёруғ. Қозилор ҳожотдин албатта бир нажот этқусидир.

Уша кuni етти хуфтонгача ҳазратнинг кўзи илинмади. У Асмои хуснани қирқ мартаба тақоррлаб, Яратганга муножот қилди: «Биру борим, бадалларингчи дардини йнгиб менга бер. Она сугига тўймаган гўдакларга раҳм қил. Чимилдиқ роҳатини кўрмаган навжувонларга шафқат қил. Неки азобинг бўлса, Аҳмад қўлингга бер, мен охират яроғини хозирлаб қўйибмен. Раббано, бир исминг Раҳмон, бир исминг Қаҳҳор, раҳм қил, раҳм қил, раҳм қил...»

Субҳи содиқда болишга омонат бош қўйди. Кўзи илиниб-илинмаган экан, го-йибдан сас келди: «Аё Аҳмад! Оёққа тур! Сени чилтанлар сўраб турибди...»

Кўзини очди. Шифтда патнисдек зангори нур ўйнади. Шайх «Бисмилло!» деб ўрнидан турди. Таҳорат олди. Тақбир айтиб, кийинди. Шифтдаги нур девор бўйлаб сирғалиб остонага етган, гўё валининг йўлини пойлаб тургандек эди.

Султон-ул орифин шахд ила ташқари чиқди. Кун совуқ, ҳаво қоронгу, осмонда сезилар-сезилмас юлдузлар милтирайди. Шайх қай тарафга юришни билмай иккила-ниб турди. Чилтанлар одатда бирон хароба иморатда, қабристон мужовирхонасида, ёхуд чиллахоналарда йнгилиб, фано билан бақо олами хусусида сўхбат қурадилар. «Қай манзилда экан бизни чорлаган биродарлар?»

Шу асно азидан нур етиб келди. У авлиёнинг олдига ўтди, зимистон йўлақда кумуш гиламчадек иргилилаб қалъа дарвозаси томон йўл бошлади.

Дарвозабон бевақт эшик уриб турган йўловчини хушламай қаршилади.

— Хобимизни ҳаром қилдингиз, биродар, — деди хомуза тортиб, — не тилагингиз бор?

— Эшикни очинг! — деди Шайх амирона оҳангда. Дарвозабон кўзларини ишқаб, мингиллади:

— То бомдодгача мухтасибга ҳам очмасман. Кутвол бўйнимни узадир.

— Очинг! Эмаса ўзимиз очиб чиқаймиз. Жун чакмон кийиб, одми кўк салла ўраган кичкина жуссали қариянинг нўписаси дарвозабонга бир қадар таъсир қилди. Бирдан у «А-а! Астаъфурулло!» деб юборди. Негаки, Шайхнинг йўлини еритиб келган нур энди ердан дарвоза халқасига сакрар, ҳазратнинг оёқларида ўралашиб, тагин дарвозага ишора қиларди. Эшик оғасининг қўли қалтиради, талвааса ичда қулфга қалит сола бошлади. Қулф очилар очилмас эшик гичирлади ва дарвоза ланг очилди. Шайх йўноқи нур етовидиа шитоб билан эшикдан чиқиб кетди. Дарвозабоннинг қўли ёқасида, оғзини очганча қолаверди.

Шайхул-масоийх муқаддас нурга эргашиб, работга чиқиб борди. Шаҳарнинг кунботар тарафида ястанган кўна бир мозористон эшигига бориб тўхтади. Тонг бўзари қолган эди. Сорбон-нур гоийиб бўлди. Шайх беихтиёр олға қаддам босди. Қабристон инқарисиди тақхона кўзга ташланди. Ҳазрат ўша томонга юрди.

Тақхона эшиги тақа-тақ берк эди. Шайх уч қарра қопқани урди. Ичкаридан «Ким?» деган миннатли овоз келди. Шайхнинг хаёлида ривоят жонланди. Дерларки, Расулulloх суфа сўхбатин орзу қилиб, чилтанлар халқасига йўл олдилар. «Мен Расулulloхман», деди, қопка очилмади. Сўнг «Саййиди-ул қавм, ҳодим-ул фуқароман» дедилар. Ҳақ Мустафони суфа сўхбатига қабул қилдилар.

Саъдулла СИЕВ.

(Давоми бор).

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТАШКЕНТСКОЕ ПРАВДА

**Муассис:**  
**ТОШКЕНТ**  
**ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

**Бош муҳаррир**  
**Фатҳиддин**  
**МУҲИДДИНОВ**

**Шалефоллар:**  
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48  
Эълолар: 133-40-48, 136-56-29

**Манзилимиз:**  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва сақиланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.